




— Вой, эсим қурсин, «Оила ва жамият»га обуна
бўлишни унутибман-ку!

Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат



• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистонда Банк-молия академияси ташкил этилди.

4 ноябр куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг табриқномасини Бош вазир Ўткир Султонов ўқиб берди.

• 4 ноябрь куни Олий Мажлис қўмиталарининг раислари Э. Воҳидов, Ў. Ҳошимов ва А. Йўлдошевлар Белгиядаги нуфузли «Ле Суа» ва «Де Стандарт» газеталарининг Ўзбекистонда мамлакатимиз тўғрисида туркум репортажлар тайёрлаш мақсадида келган вакиллари Леополд Унгер ва Йоран де Кок билан учрашдилар.

• Истанбулда Ўзбекистон Республикаси Бош консулхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бош консулхона жойлашган янги муҳташам бинога кираверишдаги алвон лента Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдуғофур Абдурахмонов ва Истанбулдаги Бош консули Умарали Худойбердиевлар томонидан қирқилгач, республикамиз Давлат байроғи кўтарилди. Тантанали маросимларда Туркия жумҳурияти ҳукумати аъзолари, Истанбул маҳаллий ҳокимияти ҳамда Анкара ва Истанбулдаги дипломатия корпуси вакиллари иштирок этдилар.

• 5 ноябр куни «Ўзбекэкспомаказ»да халқ истеъмоли моллари халқаро кўргазмаси очилди. 4 кун давом этадиган бу кўргазмада 25 мамлакатдан 60 га яқин хорижий фирма ва компаниялар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

• Тошкентда Давлатга қарашли бўлмаган жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари шаҳар маслаҳат кенгашининг таъсис анжумани ўтказилди. Унда шаҳардаги жамоат ташкилотлари, айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, маҳалла оқсоқоллари иштирок этди.

Анжуманда кенгашнинг таркиби сайланди ва низоми тасдиқланди.

• Ўзбекистон Фанлар академияси таклифига биноан Малайзия Фанлар академиясининг президенти, профессор Тан Си Ҳожи Умар бошчилигидаги шу мамлакат олимларининг делегацияси мамлакатимизда меҳмон бўлдилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясида икки мамлакат академиялари ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим ҳамда фан ва юқори технологиялар бўйича Малайзия давлат гуруҳи билан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида Меморандум имзоланди.

ЎЗА ва республика матбуоти
хабарлари асосида тайёрланди

Соғлом авлод учун

КЕЛАЖАКНИ ЙЎРГАКЛАБ

вазифамизни бажарганмиз. Ҳар бир хонадонда туғилган чақалоқ йиғиси биз учун ҳаёт хайиригиди эди.

Дарҳақиқат, Моҳира опа ўттиз йил давомида юзлаб, минглаб оилаларнинг қувончига шерик бўлди, ташвишларини баҳам қурди. Опа доя бўлган чақалоқлар бугун Алломиш келбатли йигитлар, Барчиндай қизлар бўлиб вояга етишди.

— Айни пайтда туманда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди опа биз билан суҳбатда. — Яқинда туманимизда республика миқёсидаги семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари туманимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлардан қониқиб ҳосил қилишди. Бу бизнинг ҳам меҳнатимизга берилган юксак баҳо бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, туманда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг узок муддатга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган. Бу дастурга мувофиқ 2000 йилгача уч қаватли янги туғруқхона биноси ишга туширилади. Ўсимларни даволаш бўлими ҳам уз биносига эга бўлади.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, туманда оналар ва болалар ўртасида турли хил касалликлар сезиларли даражада камайди. Бунда Моҳира опа ва унинг ҳамкасбларининг тунни кунга улаб қилган меҳнатлари

самараси ҳам бор.

Мустақиллик байрамининг беш йиллиги арафасида мамлакатимиз Президенти Фармони билан соғлиқни сақлашдаги кўп йиллик самарали меҳнати учун Навоий туман марказий касалхона-туғруқхонасининг шифокори Моҳира Атоевна Эргашева II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Бу мукофот нафақат онанинг меҳнат фаолиятига, балки унинг шу йиллар мобайнида болалар ва оналар соғлиғи деб чеккан изтиробу ташвишларига берилган юксак баҳо бўлди. Уша кунни опа хонадони чинакам байрам тусини олди. Онанинг турмуш ўртоғи Юсуф ака Эргашев (у киши ҳам шифокор) кун бўйи меҳмон кутиш билан овора бўлди.

Ҳар қандай тилаклар замирида эзгулик ётади. Биз ҳам Меҳр ва Келажакни йўргаклаб келаятган Моҳира опага мунаввар кунлар тилаб қоламиз.

Ислом ХУДОЙКУЛОВ,
Махмуд МАРДИЕВ

Ахборот

ЗАМОН АРДОҚЛАЙДИ СОҲИБҚИРОННИ

Пойтахтимиздаги 84-умумтаълим мактабида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Замон ардоқлайди соҳибқиронни» номли адабий-бадний кеча бўлиб ўтди. Унда А. Асқаров, А. Набиев, А. Хайитметов каби таниқли олимлар, Х. Тўхтабоев, Тўра Мирзо ва бошқа ёзувчи-шоирлар иштирок этиб, йиғилганларга темурийлар даври тарихи, адабиёти ва маданияти, мамлакатимиз тарихида Амир Темурнинг тутган ўрни ҳақида қизиқарли манбалар асосида сўзлаб бердилар. Шунингдек, кечада ёш мусаввирларнинг соҳибқирон сиймосини ва ўша давр воқелигини акс эттирувчи расмлари намойиш этилди, ўқувчилар ўзлари тайёрлаган шеър, қўшиқ, рақс ва сахна кўринишлари билан даврага файз киритишди.

Кечада фаол иштирок этган ўқувчи ёшларга «Амир Темур» Халқаро хайрия жамғармаси, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватловчи «Улугбек» жамғармасининг дипломлари ва эсдалик совгалари топширилди.

Ш. МАВЛОНОВА,
Ўзбекистон Болалар
жамғармасининг Тошкент шаҳар
бўлими раиси

Долзарб мавзу

ЗИЁГА
ТАЛПИНГАН ДИП

Йўлдош Набиев.
1946 йил Бойсун

туманидаги Шўроб қишлоғида туғилган. Олий маълумотли, байналмилалчи жангчи, оилали, 10 фарзанднинг отаси. Касби оддий ўқитувчи. 31 йилдирки тумандаги турли мактабларда ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. Айни пайтда эса Гафур Гулом номли 25-урта мактабда бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш билан бирга, ўзи истиқомат қилаётган Шарилдоқ маҳалла кўмитасининг раиси.

Биз у киши билан суҳбатимизни ёшлар тарбияси тўғрисида бошладик.

— Йўлдош ака, анча йилдан буюн ўқитувчи бўлиб ишлаб келаяпсиз. Умрингизнинг кўп қисмини ёшлар тарбиясига бағишлагансиз. Юзлаб ёшларга таълим-тарбия бериб, катта ҳаётга йўллагансиз. Бугунги ёшларимизнинг кўпчилиги дарсни йиғиштириб қўйиб, бозорга урмалашиб қолаётгандек, назаримда.

— Гапингизда жон бор. Бугун кўпчилик учун иқтисод биринчи уринга чиқиб қолди. Тўғри, иқтисодни тикламасдан бирон нарсасга эришиш қийин. Бироқ бу мактабни, тарбияни йиғиштириб қўйиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Биз бугун буюк давлат барпо этиш илинжида меҳнат қилаёмиз. Уни эса маънавияти юксак, илмли, тadbиркор авлодгина барпо эта олади. Шундай экан, ўқиш, билим олиш бугуннинг энг долзарб вазифаси бўлмоғи керак.

— Шундайку-я, лекин бугунги ёшларимизнинг дунёқарашлари бироз ўзгачароқ. Улар бироз «ақллироқ» чиқиб

қолгандек. Тўғрими-йўқми уз биланларидан қолмайдилар.

— Тўғри, бундан 10—15 йил олдинги ёшларимиз билан ҳозиргилари ўртасида фарқ анча катта. Бугунги ёшларимиз ишбилармон, тadbиркор. Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин ўқувчилар миқёсида олсак ҳатто баъзи ўқувчиларимиз ўқитувчиларнинг гапига кирмаслиги афсусланарли ҳол. Кўп йиллик тажрибага сўяниб айтманки, бундайларнинг оилада тарбияси буш бўлади. Улар ҳатто ўз ота-оналарининг ҳам гапларига кирмайди. Шунинг учун ёшлар тарбиясида оила билан мактаб, ота-она билан ўқитувчининг чамбарчас боғлиқлиги керак. Чунки бу борада ота-онанинг масъулияти қанчалик кучли бўлса, ўқитувчиники ҳам шундай.

Менинг ҳам мактабда ўқийдиган фарзандларим бор. Уларга ҳар доим ёшлиқда билим олиб, илм эгаллашларини уқдириб бораман. Зеро, ёшлиқда олинган билим тошга битилган хат каби боқийдир.

— Йўлдош ака, маҳалла кўмитасининг раиси сифатида ҳам иш олиб бораёпсиз. Бу борада ишлар қандай?

— Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Маҳаллада бўлаётган ҳар бир маърака-йиғинлар оқсоқоллар билан маслаҳатлашган ҳолда ўтказилади. Оилавий можароларни иложи борида илмий ҳал қиламиз. Ёлғиз яшовчилар, уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳол-аҳволларидан хабар олиб турамиз.

— Шогирдларингиз кўп бўлса керак. Улар хабар олиб туришадими?

— Шогирдларим талайгина. Уларнинг барчаси халқ хизматига. Бу эса менинг бирдан-бир орзумдир.

— «Оила ва жамият» газетаси муҳлисларига тилагингиз.



Бизга жавоб берадилар

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Газетамизнинг шу йил сентябр ойидаги 39-сонида «Бор онангга, бор отангга» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Унга қуйидаги жавоб хатини олдик.

Вилоят ҳокимлигининг хотин-қизлар билан ишлаш шўбаси тушаётган ҳар бир ариза ва шикоятни чуқур ўрганиб, ўз вақтида қонуний ҳал этишга алоҳида эътибор бермоқда. Лекин шўбага ҳеч бир аёл паспортини рўйхатга ўтказишга тўсқинлик бўлаётгани ҳақида шикоят билан мурожаат этмаганлигини маълум қиламиз.

Шунингдек, мақолада қишлоқ хотин-қизларининг ҳуқуқий билимлари савияси пастлиги, бу борада етарлича иш олиб борилмаяётгани ҳам танқид қилинган эди. Хотин-қизлар кўмитаси ушбу масалага ҳам эътиборни қаратиб, вилоят «Маърифат ва маънавият» маркази, «Олима аёл», «Ҳуқуқшунос аёл», «Иқтисодчи аёл» уюшмалари билан

биргаликда жамоа хўжаликларида, саноат корхоналарида, ўқув юрларида турли учрашувлар, савол-жавоб кечалари, суҳбатлар ўтказиб келмоқда. Танқиддан тўғри хулоса чиқариб, бу борадаги ишларни янада жонлантириш ва такомиллаштириш режалаштирилмоқда.

М. ШАМСИБОВЕВА,
Андижон вилояти ҳокими
муовини, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси

Оланда ган кўп

ЯШАШ УЧУН КУРАШ

Нью-Йорклик Кларклар оиласи мана 73 йилдирки, товон пуллари ҳисобига яшаб келмоқда. «Оиламиз бахтсиз ҳодисаларнинг нишонига айланиб қолган, — дейди Жерри Кларк. — Биз ана шу ҳодисаларнинг сабабчиларини судга бериб, товон пули ундириб оламиз».

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Учинчи фасл. Муриднинг одоби ва унинг шартлари

Агар «мурид» сўзининг маъноси нима деб сўрасалар, жавоб бериб айти, муриднинг луғавий маъноси истовчи, хоҳловчи демакдир. Зеро ботинда хоҳиш бўлмаса, зоҳирда ҳеч бир амал кўзга ташланмагач. Ва тариқат тилида «мурид» деб нафсининг барча мурод (истак)ларидан қутулган одамга айтадилар. Бундай одамнинг пирнинг хоҳишидан ўзга хоҳиши бўлмайди.

Агар муриднинг нечта сифатлари бўлиши керак, деб сўрасалар, унга деб айтгил. Аввал шуки, у балоғат ёшига етган бўлиши керак. Чунки балоғатга етмаган кишини тавбага келтириб бўлмайди ва тавба қилмаган одам муридликка муносиб эмас. Иккинчидан, у оқил одам бўлиши лозим, чунки ақлли бўлмаса, сўзининг пасту баланди, рамзий ва ботиний маъноларини англамайди. Учинчидан, муслим бўлсин, зеро агар мусулмон бўлмаса, тавба келтириши мумкин эмас. Тўртинчидан, талабгор бўлсин, яъни талаб йўлига жидду жаҳд билан қадам қўймаса, тараққий этмайди. Бешинчидан, садоқатли бўлсин, чунки агар сидқидилдан киришмаса, пирнинг маърифати кўнглидан жой олмагай ва агар пирнинг сўзи дилига таъсир этмаса, у мақсадига етолмайди. Олтинчидан, тобе бўлсин, яъни пирнинг ихтиёридан бир қадам ҳам чекинмасин. Еттинчидан, баланд идрокли бўлсин, яъни ўткир зеҳн ва зийраклик билан тўғри йўлни топиб олсин. Саккизинчидан, қабул этувчи бўлсин, яъни пирнинг сўзларини рост қабул қилсин ва пирга мақбул тушин. Тўққизинчидан, қаноатли бўлсин, яъни фақат зарурий эҳтиёжга яраша нарсалар (еб-ичиш, кийиниш) билан қаноатлансин,

ортиқчасини талаб қилмасин, зеро ортиқча талаблар кишини тариқат шўғлидан четлаштиради. Учинчидан, солим (бутун) бўлсин, яъни бошқа пирга қўл бермаган бўлсин, бошқа киши билан келишиб, аҳд қилмаган бўлсин, чунки аҳду паймон битта бўлади.

Агар муриднинг одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айтгил. Аввал шуки, у ўз ишига пухта бўлиши керак, пок ният билан иш бошлаши даркор. Иккинчидан, собит эътиқод билан сулукни бошласин. Учинчидан, пирнинг назарига тушгач, ўз ҳаловати ва одатларидан воз кечсин. Тўртинчидан, қўриши лозим бўлмаган барча нарсалардан қўз юмсин. Бешинчидан, эшитилиши нораво ҳисобланган нарсалардан қўлоқни беркитсин. Олтинчидан, қилиниши ман этилганлардан қўлини тортсин. Еттинчидан, ўз пирининг муҳолифлари билан муомала-муносабатда бўлмасин...

Агар муридликнинг руқнлари

Хусайн Воиз КОШИФИЙ

ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ

Пир муридлик ва шунга алоқадор нарсалар тўғрисида


нечта, деб сўрасалар, олти деб айтгил, яъни: фармонга итоат этмоқ, рост сўзламоқ, вафоли бўлмоқ, насиҳатга қўлоқ солмоқ, дилозорлик қилмаслик ва сирни сақламоқ...

Агар муридлик хислатларининг қисқача баъни нечта деб сўрасалар, бешта деб айтгил, яъни: пок бўлиб, пок юриш, жавонмард ва маломатий сифатларини эгаллаш (маломатий — эл маломатини ўз шарафи, деб билган суфий), халқнинг гап-сўзидан қўрқмаслик, қаландар сийратли бўлиб, одамлар таърифу таҳсини, қоҳиш-мақтовларига парво қилмаслик, шижоатли ва жасур бўлиш, ҳар хил ҳаёлларга бормай,

ўзини хотиржам тутиш, ниёзманд, яъни ҳамиша дийдор талаб бўлиш.

Агар муридликнинг жавҳари (мағзи) нима деб сўрасалар; бу — тариқат биродарларининг хурсандлиги, деб айтгил.

Агар муридликнинг зийнати нима деб сўрасалар, бу қўйидагилардан иборат, деб жавоб бергил: зуҳд, тақво, мужоҳада, ўз нафсини енгиш учун шижоат курсатиш, ҳаммага бирдай беминнат хайру эҳсон қилиш, ишнинг биносини сидқ асосига қўриш, ўзни таниш даражасига қутарилгунча илм эгаллаш, одоба мунтазам риоя этиш, биродарини равшан этадиган мулоим хулқи бўлиш, ёрларга дағаллик қилмаслик, инсоф чизигидан чиқмаслик, фидокорлик, бировга озор етказмаслик, камгап бўлиб юриш, лекин керакли жойда муносиб гапни топиб айтиш, олий ҳимматлилик, майда-чуйда ишлар билан қаноатланмаслик, омонатни



Агар муриднинг сармояси (бойлиги) нима, деб сўрасалар, пок эътиқод ва равшан кўнғил деб айт.

Агар муридликнинг қонуни нима, деб сўрасалар, ўзига раво қўрган нарсаларни ўзгаларга раво қўриш ва ўзига раво қўрмаган нарсани ўзгаларга ҳам раво қўрмаслик, деб жавоб бергил.

Тўртинчи фасл. Мурид танлаш кайфияти (шартлари) ҳақида

Агар муридликка қабул қилишда нималарга эътибор қилинади, деб сўрасалар, қўйидаги шартни адо этиш зарур деб айтгил: Аввал шуки, шайхлик шарт-шароити муҳайё бўлсин, иккинчидан, мурид тавба келтирсин, учинчидан, байт (аҳду паймон) қилинсин, яъни муриднинг қўлини олиб, унга: «аҳд қилдим ва футувват аҳли халқасига кирдим» деган сўзларни баланд овозда айтиш ўқтирилсин. Тўртинчидан, тариқат калимасини қайтаришни муридга тайинлаш (Тариқат калимаси махсус иборат), зеро баъзилар тариқатни тавбага боғлиқ, деб ҳисоблаганлар. Бешинчидан, жойнамозни ёзиш, олтинчидан, тариқат биродарларини йиғиш, еттинчидан, муридни эҳтиёт қилиш, саккизинчидан, пирнинг ўзи ва ҳозир бўлган жамоа тизларини букиб ўтирсин, унинчидан, ўзига қўп эътибор қилмаслик.

(Давоми келгуси сонларда)

Оламда гап кўп

ХУШМУОМАЛАЛИК ТАҚИКЛАНАДИ

Детройт полиция маҳкамаси ўз ходимларига «саломат бўлинг», «кўнглигиз кўнглидагидек ўтсин» каби ибораларни фуқаролар билан муносабатда қўллашни тақиқлаб қўйди. Тасаввур қилинг, дейишмоқда маҳкама раҳбарлари, полициячи бировнинг уйига судга чақирув қозони элтсада, яна қўлиб туриб «кўнглидагидек кун» тиласа, буни фуқароларимиз ўз устларидан қўлиш, масҳара қилиш деб тушунмасликларига қафолат борми?!

ЯШИРИН ИНЪОМ

Имом Содиқнинг саҳобаларидан Хатъамий шундай ҳикоя қилади: Бир куни Ҳазрат Имом Содиқ қўлимга бир халта пул тутқазиб дедилар:

— Буни фалон ерда яшовчи Ҳошимий деган кишига етказ ва ким берганини айтма.

Пулни айтилган кишига олиб бориб бердим. У киши деди:

— Менга инъом бериб юборган кишига Аллоҳнинг муқофотлари егисин. Шу билан тирикчилигим ўтиб турибди. Лекин Имом Содиқ бой бўлса-да, менга бир дирҳам ҳам бермайдми-я.

АБАДИЙЛИК

Қадим замонда бани Исроил қавмидан бир ҳоким бўлган экан. Мамлакатни обод қилишга жон-жаҳди билан киришибди. Лекин унинг қўрган иморатларини қўрган халқ айб топар экан. Қаерда бирор янги нарса пайдо бўлса, ўша ердан янги айб чиқаркан. Бир куни ҳоким дебди:

— Энди шундай шаҳар қурайки, ундан ҳеч бир одам айб тополмасин.

Ҳар тарафдан яхши меъморларни, ишчиларни йиғибди. Чиройли бинолар қурилиб бўлингач, одамлар йиғилиб томоша қилишибди ва ўзларича бир-бирларига шийвирилшибди:

— Жуда ажойиб шаҳар экан, шу пайтгача бунақасини қўрмаган эдик. Аммо бир киши ҳоким қўшига келиб дебди:

— Агар жоним омон бўлса, сенга бу шаҳарнинг нуқсонини айтур эдим.

Ҳоким айт дебди.

— Бу шаҳарнинг иккита катта нуқсони бор. Биринчиси шулки, уни сен вайрона шаҳардан тикладигин. Иккинчи нуқсони шулки, бу шаҳар сендан кейин вайрон бўлиши мумкин. Замонлар ўтиб ундан асар ҳам қолмайди.

— Ҳамма ҳаракатларим зое кетса, бундай шаҳардан не фойда. Узинг айтчи, унда нима қилиш керак?

— Шундай шаҳарлар қургинки, ҳам

ўзингга ёдгор бўлсин, ҳам номингни абадий қилсин. Агар мард бўлсанг, шундай гузал шаҳарлар ярат.

— Айтгин-чи, уларни қандай қўриш мумкин?

— Мен айтган бинолар адолат ва муҳаббат биноларидир. Бу биноларни меъморлар ва ишчилар қўрадилар. Сенинг ишинг лойдан ёки гиштдан иборат эмас, балки ҳар бир ишга қалб кўзи билан боқишлиқдир. Агар сен ўз ишингда қўзи бўлсанг, халқни севсанг, халқ ҳам сени севади. Яхши номинг сенга ёдгор бўлиб, қўрган биноларинг асло вайрон бўлмайди.

Ҳокимнинг севимли қизи бор эди. Кечқурун у қизига бегона кишидан эшитган гапларини сўзлаб берди.

Ҳокимнинг қизи деди: — Мамлакат фуқаросидан ҳеч ким сизга бундай рост сўз айтмаган эди.

ҚАНОАТСИЗ БОЛА

Донолардан бири шундай ҳикоя қилибди: бир куни Шайх Шибли бир маҷитга борди ва икки ракаат намоз ўқиб, бир оз дам олиб ўтирди. У маҷитда ёш болалар ҳам йиғилишиб, китоб ўқир эдилар. Болаларнинг таом ейдиган вақтлари бўлди. Уларнинг орасида бир

Ибратли ҳикоятлар

бойнинг ўғли ҳам бор эди, бир камбағалнинг ўғли ҳам бор эди. Бойнинг ўғли олдида ҳалво, фақирнинг ўғли олдида қотган нон эди. Фақирнинг ўғли ундан ҳалво сўради. Бойнинг ўғли унга деди:

— Агар ҳалво ёмоқчи бўлсанг, менинг итим бул, кейин ҳалво бераман.

— Мен сенинг итингман.

Бойнинг ўғли унга масҳараомуз боқиб деди:

— Ундай бўлса, итга ухшаб ҳур.

У бечора итга ухшаб ҳурди, бойнинг боласи бир бўлак ҳалво берди. У ҳар вақт итга ухшаб ҳуради ва бир бўлак ҳалво оларди. Шайх Шибли уларга қараб йиғлар эди. Муридлари ундан сўрадилар:

— Эй шайх, нега йиғлайсан?

— Қурмаёписи, қаноатсизлик ва таъмагирлик инсон бошига не савдоларни соляпти. Агар у бола ўзининг қотган нонига қаноат қилиб, ундан ҳалво сўрамаганида эди, ўзига ухшаган бир боланинг ити бўлмасди. Икки ярамас феъл, яъни таъмагирлик ва қаноатсизлик киши иқболини паст қилур.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади

Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, бахтли бўлиш учун яшайди.

Стендал

«Мусофир шаҳарда илм йўлини ахтариб юрган қизимга деб билгайман. Жоним қизим, яхшимисиз? Бошингиз оғримаяптими? Уртоқларингиз ҳам соғ-саломат юришибдими? Сўраб қўйинг. Пулингиз бўлмаса, ёзинг, бир илож қилиб жўнатаман.

Мен тузукман. худога шукур, қимирлаб турибман.

Хўп, хайр. Сизни жонидан ортиқ курган, Сизга ишонган аянғиз».

Онамнинг мактублари одатда ана шундай мазмунда бўларди. «Ишонган» сўзининг остига аям, албатта, чизиб қўярдилар.

— Бировни яхши кўрмайман, деб берган ваъдангнни унутма, — дерди бу чизик.

— Қишлоққа муаллимнинг қизини «ийгити» бор экан, деган гапни олиб келмайсан, — дерди бу чизик.

Ва менинг муҳаббатга муштоқ қалбим етти йил ана шу чизикқа банди бўлиб юрди. Осон эди, дейсизми? О... севиш, севишлини истаб ёнган юрагимнинг оҳ-зорлари... узингиз айтинг, ахир, мен ёшлик аталмиш чаманинг очилмакда бўлган гунчаси субҳи сабоблар эпкиниди чарх уриб парвоз этмакка, булбуллар навосидан лов-лов ёнмакка, интизор қалбим чорловларига буйсунмакка ҳаққим бор эди-ку! Ҳаққим бор эди, аммо аямни алдай олмас эдим. Шеърятдан таскин-тавалло ахтарар эдим. Абдуллуниг шеърлари-жону дилим эди:

*Ёқдим-у ва лекин ҳижрон тунда
Сенга аҳволимни этмадим баён.
Сокин кечалари кўзим ўнгиди
Мунис қарашларинг бўлди намоён.*

Юрагим утли қарашларга дош беролмай, севишни истайман, дея чинқирган кезлари Идрок уни занжирбанд қилиб қўярди. «Онаи зоринг сени деб ёлғиз ўтди. 30 йилдирки сени деб ашамокда. Уни ташлаб Севгининг ортидан кетмоқчимсан?».

— Йўқ, онамни ташламайман. Ҳеч қачон!

— Муҳаббат кузларингнни кўр қилиб уймасин, ўқини уйла.

— Севгисиз қандай яшайман?

— «Бу дунёда армонсиз одам, бечоралар ичра бечора», деган шир ҳақлигига кейин узинг тан берасан.

Қалбим идрок мантиқига бош эгди. Ва мен муҳаббат инъом этмоқчи бўлиб узатилган қўлларни қайтардим.

— Оббо, тўғри қиз-эй, — қулишарди курсдошларим, — онасининг бошига ястиқ бўлади шеклилли.

Талабалик йилларим ҳам ўтди-кетди. Қишлоққа қайтдим. Онам ишончини оқлаган қизини бошидан ошириб олиш гамига тушди. Аммо қишлоқнинг тош-тарзиси узингизга аён — 25 ёшда қари қизга айландим. Уйланиб, ажралишган, умр йўлдоши вафот этган кишилар одам қўйишарди. Маънавий олами юлдузлар қадар юксак ҳаёллапараст қиз — мен уларни рад этардим.

— Тўйга кирсам ҳам, азага кирсам ҳам шу: Моҳимхонни унашмадингизми, малим? Қиз болани илиғ-иссигида узатган маъкул. Катта булган сайин танлайдиган бўлиб қолади, дейишади. Вақти-соати етса бўб кетар, тешик мунчоқ ерда қолармиди, дейман-у, ичимдан утгани узингга аён. Ман тенгилар неварга тўйи қуришди...

Индамайман.

— Уни ундок дейсан, буни бундок. Бурунгилар билиб қўзи очилмаган мушук боладай 12-13 яшарлигидаёқ бериб юборишаркан.

Индамайман.

— Ё яхши курганинг борми?

— Йўқ.

— Ҳилолаҳон уртоғинг... Тожикистонлик болани...

— Тожикистонлик бола 4-курслимизда уйланиб кетган, сизни айтганингизни қилиб ҳеч кимни яхши кўрмаганман.

— Тавна қиялсанми, қизжоним-эй,

қўрққанман. Узинг ҳам худо хоҳласа болали бўларсан, биларсан. «Фалончининг қизи тугиб қўйибди», «Гистончининг қизи яхши кургани билан қочиб кетибди», деган миш-мишларни эшитавериб, юрагим олиниб қолган. Беадад шукр, бағримга қайтдинг, энди эсон-омон бошимдан ошириб олсам, армоним йўқ.

Бироқ, онам, муштипар онажоним яккаю-ёлғиз қизининг орзу-ҳавасини кўролмади. Дугоналаримдан бири углига сунат тўйи қилган эди. Узим тўй-пуйларга кўп ҳам аралашавермайман. Онам кирибдилар. Маҳалламизда Патти хола деган бор, оғзи полвон хола ҳам дейишади уни. Бир уй хотин-халажнинг ичиди «Малим, қизингиз неччига кирди, 30 ларга бориб қолдимиз-а», — дермиш.

чиқмоқда. Шу пайт қаршимда Рочестер пайдо бўлса борми! Уша жасорат ва муҳаббат балққан қузлар, уша паҳлавон келбат, уша теран нигоҳлар...

— Исми-фамилиянгиз, — умримда биринчи марта бемор қаршисида товушим титради.

— Карточкамда йўқ эканми?

— Ҳа-я, — доддираб карточкани ўқийман-у «Ҳатто товуши ҳам ўхшайди-я» деган фикр бошимга урилади. Юрагим эса шундай қаттиқ дукурлаяптики, «Рочестер» эшитаётгандай туюлади. «Узингни бос, Моҳим. Тавба, бошинг айланди-қолди-я».

У чиқиб кетаркан, қўз қирида қузатиб қолдим. Ҳамшира тушмагур ҳам ичимдагини айтди-қўйди.

Нафис мажлислар

«ИККИ ЎТ ОРАСИДАМАН»

Онам уша жойда ер чизганча, ранглари оқариб кетибди. Юраги хаста эди. Орзу-ҳаваслар билан ўқитган қизи, ҳусни бир жаҳон қизи (менга биноси жуда баланд эди, онажоним раҳматлининг) наҳот утириб қолса! Уша тўйдан кейин онам узига келмади...

Онам дейман-у, унинг синиқ товушда газал ўқитгани эшитиларчади:

*Ёшунгон эмиш қаро булутқа моҳим,
Гардунни совурмоқ эрур дил хоҳим.
Кириши қаро туфроққа қўйшдек
шоҳим,*

Нечун қўшни қаро қилмасун оҳим...
Онамнинг айтишларича, раҳматли дадам шу туртликини яхши кўраркан.

Энди мен дунёда якка-ёлғиз қолдим. Тўғри, холаларим, қариндош-уруғларим бор. Аммо ҳеч ким Она була олмас экан. Бу ёлғизлик шунчалар даҳшатлики, ифодалашга қўрбим етмайди. Ишдан келаман.

— Чарчамай келдингми, қизим, — дея онам уйдан чиқаётгандай.

Райхонларга сўв сепаман.

— Бир-икки шоҳидан узиб, бош томонимга қўйсангчи, — деяётгандай. Кузларимни ёш пардаси тўсади. Мехрибонимнинг қўйлакларини ҳидлайман. Оҳ, онажоним-эй, Абдулланинг шеърларини сўярдингиз. Мана унчун «Ёлғизлик» шеъри босилган варақа хатчуп солиб қўйибсиз. Ушбу сатрлар ости эса чизилган:

*Мен на ой, на қўёш, на ер, на само,
Шуълага интизор гиёҳдай ўсдим.
Ёлғизлик ҳасратин тортмайлик асло,
Бор бўлсанг ёдга ол, мени ҳам
дустим.*

Афсусингиз ичингизда эканда, онажон. Сизнинг оёгингизга тушов бўлиб дунёга келган кунимга лаънатлар бўлсин! Онамнинг суратига термулиб ўқиб-ўқиб йиғлайман.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Вақт энг зур табиб деганлар ҳақ экан. Онамнинг гами ҳам эскира борди. Суянганим, овунганим ёлғиз иш эди. Кунларимнинг бир-биридан фарқи йўқ. Холам 10 яшарли Наргизасини эш-қўш бўлиб юрсин, сенга қоровул деб бериб қўйган. Иш, уй, телевизор, Наргизанинг дарслари, китоблар... Қўл рангидаги кунлар шу зайлда имиллаб утарди.

Телевизорда «Жейн Эйр» номли инглиз фильми борарди. Негадир бу фильм мени ҳар сафар ҳаяжонга солади. Қудратли қалбни узига асир эта олган жажжигина Жейн Эйрга шунчалар ҳавас қиламанки... Барон Эдвард Рочестерни-ку аллақачон яхши қўриб қолганман. Фильмнинг сунгги серияси тугади. Ўз ҳаёлимда Рочестер ролини уйнаган актёр Тимочи Далтонга мактуб ҳам битиб қўйдим. Рочестер тушларимга кириб чиқарди. Унинг тисолидаги севганим оғушида қайноқ тафтига дош беролмаган сумалак монанд эриб кетардим...

Жейн Эйр ва Рочестер таъсиротида асир юрган кунларимнинг бирида умрим шафақда қўшдайд чарақлаб У қуринди.

Оддий иш кунларидан бири эди. Беморларнинг бири кириб, бири

— Тунов кунги кино-чи, дўхтир, ушандаги йигитга ухшаркан-а, ҳалиги жинни хотини бўлади, ўқитувчи қизни яхши қўриб қолади.

Эсладим дегандай бош силкиб қўйдим. Дарвоқе, бемор «Рочестерим»нинг ҳам хотини бўлиши мумкин-ку. Бўлса нима, мен уни тортиб олапманми? Орзумдаги йигитга ухшатганлиги учун ҳам ёқтирарман холос. Ёқтирарманми? Ҳа. Ахир мен ҳеч кимни бир қарашда ёқтирган эмасман. Уни эса... Э худо, узим муллоқ билмаган одам ҳақида нега уйлапман. Негар? Негар?

Уч кундан кейин у яна қабулимга келиши керак эди. Ўзи менга нималар бўляпти, ҳудожон? Энгимда узим яхши курган оқ бинафшаранг қўйлак, қўшларимда усма. Сочларимни ҳам бирам ярашимли турмаклабманки... Ишга эмас, урчашувага кетаётгандай!

У андак оқсоқланиб (дарвоқе, афғонда ўқ еган деб эди-ку) кирди. Салом бериб, енимдаги стулга ўтирди.

— Қалай, тузукмисиз? — сурадим кузларига қаролмай. Карточкага ёзган қилидайман, аммо нима ёзган билмайман.

— Раҳмат. Ўнг чаккамми огриги қолмаяпти-да.

— Игна санчиб даволасакмики?

— Игна экан-ку, пиқоқ санчангиз ҳам тузалса бўлди.

— Касалларни кўриб бўлганимдан кейин уларда келсангиз.

— Хўп, Моҳираҳон.

— Йўқ, Моҳим...

*Ёшунгон эмиш қаро булутқа моҳим,
Гардунни совурмоқ эрур дил хоҳим.
Кириши қаро туфроққа қўйшдек
шоҳим,*

Нечун қўшни қаро қилмасун оҳим.

Мир Алишер Навоий ҳазратлари, — деди шикаста товушда.

Мен «Рочестер»га маҳлиё бўлганча қип-қизариб турардим.

— Шу газал маъносини биласизми?

— Йўқ.

— Навоий шеърятидан диплом иши ёзганман, газалларни ўқисам, ширин атрларнинг бўйи таралгандай маст бўлиб қоламан. Бошимни тузатсангиз, ҳалиги газал маъносини айтиб бераман. Жуда индамас экансиз-а, Моҳим. Хўп хайр.

Оқсоқланганича чиқиб кетди. Қалбимни сугурди-ю, олди-кетди. Яхшиям ҳамширанинг йўқлиги, шу аҳволимни — Муҳаббатга мағлуб бўлганлигимни курсами, қишлоққа гап қилвориши тайин.

Хуллас, мен севиб қолдим, одамлар. Аммо мен — узича марғур ва қайсар қиз — эркак кишига яхши қуришингни асло сездирмаслик керак, деган руҳда тарбияланган эдим. Онамнинг, китобларнинг менга берган тарбияси шундай эди.

Уни игна санчиб даволарканман,

дўхтирлигимча турардим. Бир-икки газал ўқимакка чоғланганда қайириб ҳам ташлардим:

— Илтимос, «Собиров, беморлигингиз эсдан чиқмасин.

У ноқулай аҳволда, индамай қоларди. Мен эса «Рочестер»имга — эс-ҳушимни уғирлаган «Рочестер»имга қўпол гапирган тилимни тишлаб-тишлаб олгим келарди. «Хаёлинг унда, юрагинг унинг номини қўшиқдай такрорлаяпти-ку, қайириб ташлаганигни қара-я. Аслида жон-жон деб гаплашгинг, газалларини тинимсиз эшиттинг келяпти-ку! Мунча такаббурлик қиласан!».

Даволаш ниҳоясига етган кун ақлим юракка бўйсунди. Жейн ва Рочестер ҳақида жушиб, уларга ҳавасим келиб гапирдим. Шунақа ҳаяжон билан, шунақа тулқинланиб гапирдимки, азбаройи ҳаяжондан юрагим бўғимга тикилаёзди. Лекин битта ҳақиқатни, — Рочестерни яхши қуришимни-ю, икковларининг ушашлигини айтишга гурурим йўл бермади.

У мени мароқ билан эшитаркан, негадир маънос тортиб қолди.

— Эшитганимиз — йўқми, билмадим-у, мениям ҳаётим уша йигитниқига ухшайди. Хотиним жуда оғир касал. Тирик бўлиб ҳисобдамас, йўқ бўлиб... Уйламанг, касал хотинини ёмонлапти, деб. Бир ёғи қариндошчилик, холамнинг қизига уйланганман. Пешонага айтмаса, қийин экан, ўғлимиз ҳам ногирон, бешга қирибди, қоролмайди. Нопиётганим йўқ, гап келганда гапирдим-да... Бўпти, Моҳим, раҳмат сизга. Энди анча тузукман. Бош огриди дегунча, ёнингизга югуриб келавераман-да, майлими?

— Майли, — дедим совуқина. Қалбим эса: қани эди ҳар кунни сени курсам, товушингни эшитсам, сенга тикилганча ҳайкалга айланиб қолсам, дерди.

Орадан бир йил ўтди. Унинг оқсоқла парчаси қолиб кетган боши бахтимга тез-тез огриб туради. Даволайман. У газаллар ўқийди. Кузларимни деразага тикканча тинглайман. Лекин сир бой берганим йўқ. Уша гурур, уша мағрурлик юрагимни занжирбанд қилиб қўйган. «Рочестер»им аллақачон мени яхши қўриб қолганлигини бутун вужудим билан ҳис этаман-у касалванд хотин, ногирон болаки иккимизнинг уртаммизга туриб олади. Ва мен уларни босиб утиб, узимни Рочестер бағрига отолмаслигимни жуда-жуда яхши биларман.

Ёлғизлик азобини бошдан утказган, муҳаббатга ташналик билан умри утаётган одамларгина менинг дардларимни ҳис эта олади. Икки ўт орасида қолдим. Тўғри йўлни курсатувчи борми?

МОҲИМ





Ой тилла
Холик хонанда,
созанда,
актриса,
раққоса,
бастакор

сифатида 11 ёшидаёқ халқ эътиборини қозонган. Шанхай консерваториясини вокал ихтисоси бўйича тамомлаган. Гуанжун шаҳрида утган Умумий вокал танловида Олий мукофот (Гран-при) билан тақдирланган. Ҳозир Шин-Жонг педагогика дорилфунунининг музыка факултетида муаллимлик қилади. Ижодий бисотидан 1000 га яқин қўшиқ урин олган.

— Ўзбекистонга қилган ижодий сафарингиз боисини тушунтириб берсангиз.

— «Уйгур халқ нақшалари (қўшиқлари)» мавзусидаги илмий ишим юзасидан Тошкентга ташриф буюрганман. Маълумингизки, уйгур ва ўзбек халқлари музыка маданияти илдишлари муштарак, уларни бир-бирдан ажратиш бўлмайди. Масалан: Абдурашидхон (XVI аср) замонида Ёркенг, Турфон, Кумул, Урумчи, Хутан шаҳарларида вақти-вақти билан муқом маъракалари ўтказиб турилган. Бу анжуманларда ўзбек хонандалари ҳам иштирок этишган. Диссертациямда ўзбек-уйгур маданий алоқалари етакчи йўналишлардан ҳисобланади.

— Ишларингизни йўлга қўйиб олдингизми, ишқилиб?

— Албатта, қисқа фурсат ичида анча-мунча ишларни амалга оширишга улгурдим. Тошкентдаги уйгур маданий марказида бўлдим, ўзбекистонлик

уйғурлар ҳаёти билан яқиндан танишдим. Олмаота шаҳрида ўтказилган «Бог сайри» концертида иштирок этдим. Ўзбекистон бўйлаб сафарларга чиқдим.

Айни кўнлари Тошкент Давлат консерваторияси профессорлари — халқ артисти Саодат Қобулова, Ўзбекистон халқ ҳофиси Фаттоҳхон Мамадалиев раҳбарлигида ўзбек хонандалик мактаби сирларини урганмоқдаман, овозимни обитобига келтирмоқдаман, вокал техникаси бўйича билимларимни мустаҳкамламоқдаман. Айниқса, ўзбек куй ва қўшиқларидаги мунг мени чуқур ҳаяжонга солди. Халқ қўшиқлари, мумтоз ашулалар, мақомлар, куйлар... Бирон-бир халқ Сизнинг халқингиз мусикий мероси билан бўйлаша олмас керак.

— Тошкент шаҳри Сизда қандай таассурот қолдирди?

— Мустақил Ўзбекистон қисқа фурсат ичида улкан ютуқларни қўлга киритгани ҳар жаҳада кўришиб турибди. Тошкент дунёдаги энг йирик маъмурий, маданий-илмий марказлардан бири, қўқаламзор, озода шаҳар эканлиги ҳақида илгари ҳам кўп марта эшитгандим. Қўрганларим эшитганларимдан ортиқ бўлиб чиқди. Бу ердаги тартиб-интизом, оқоимшталлик, ижодий муҳит, ўзбек халқининг меҳридорелигини таърифлашга тил оқизлик қилади. Мен бутунлай бегона бир жойга эмас, балки олдиндан таниш шаҳарга келиб қолгандек ҳис қилдим, узимни. Ортиқ Отажонов, Офелия Юсупова, Аҳмад Одилов, Мустафо Бафоев каби таниқли санъаткорлар билан ижодий робита ўрнатдим. Ўзбекистон радиоси ва «ойнаи жаҳон»и орқали, «Баҳор» концерт залида чиқишлар қилдим. «Тановар»,

Шарқ аёли

МАФТУНИНГМАН, ЎЗБЕКИСТОН!

«Сизнинг айвон», «Галдир», «Термилиб», «Қон йилгасам», «Урик гуллаганда» каби ашулалар, мақомлардан парчалар ургандим.

— Ижро этаётган ашулаларингиздан қайси бирлари Сиз учун алоҳида ардоқли?

— «Хўрламанглар оналарни, болалар» (Али Азиз шеъри), «Гўзал Қўрла» (Карим Абдураҳим шеъри), «Англаб қолдим сўзимни» (Абдулҳаким Боқий шеъри), «Қизилгул», «Соғиниб, қўргали келдим» (Муҳиддин Ниез шеърлари) ашулаларим мен учун алоҳида ардоқлидир. Нега дейсизми? Бу ашулаларда уйғур халқининг қалби депсиз туради.

— Қайси филмларда роллар ижро этгансиз?

— Режиссёр Мухтабарнинг «Чўлдаги бустон», режиссёр Нажотнинг «Омоннисоҳон», режиссёр Тўйғуннинг «Бахт қўшиғи» филмларида роллар ижро этганман, кадр ортида ашулалар куйлаганман. Буларнинг ичида «Омоннисоҳон» филми ўзбек томошабинларига яхши танишдир. Шунингдек, «Гўнча» драматика Холбека роллини театр сахнасида ижро этганман.

— Сиз туғилган Қўрла шаҳри қайси жиҳатлари билан оламга машҳур?

— Аввало шўки, мақур шаҳар ўзининг навабатиси билан донг таратган. Ўйнайкеин бу ерда Тўхир ва Зўҳра қабри жойлашган.

— Қачондан бери ўзингизни санъаткор деб ҳисоблайсиз?

— Эсимни таниганимдан бери узимни санъаткор деб биламан. Онам Фотиما Ниез қизининг айтишича, мен аввал рақс тушишни, кейин атак-чечак қилиб юришни урганган эканман. 5-синфини тамомлаб,

халқ чолғу асбоблари ўмагига (умак — ансамбл) ишга ўтиб, мустақил ижодий фаолиятимни бошлаганман. Кейин санъат билим юртида, консерваториясида таҳсил қўрдим.

— Ойтилла, бирваракайига «бешта кеманинг бошини тутган экансиз, яъни оилангиз, фарзандларингиздан ортиб, урни билан хонандалик, созандалик, актрисалик, раққосалик, бастакорлик фаолияти билан шўғулланиш оғирлик қилмайдими?

— Йўқ, Ҳозирча ҳаммасига улғуряпман. Ижодий режаларимнинг амалга ошишида турмуш уртоғим. Бахтиёр Ниез (у телережиссёр) кўмаклашса, онам эгизак фарзандларим — Зулхумор ва Дилхуморларни тарбиялашда менга яқиндан ёрдам беришади.

— Танлаган соҳаларингиздан қайси бирда ўзингизни эркин ҳис қиласиз?

— Мен танлаган соҳаларнинг ҳаммаси ҳам яхши-ю, аммо ҳар қолда, ашула айта-айта хумордан чиқанга нима етсин?

— Шеър ҳам ёзиб турар экансиз?

— Шундоқ, Бир туркум шеърларим матбуотда эълон қилинган. Уларнинг аксарисини узим куйга солдим. «Юрт муҳаббати», «Келади, шу бир кўн», «Угай она» ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Шу кеча-кўнунда қайси ижодий режалар билан бандсиз?

— Бултур падары бузрукворим Холик Юнус вафот этди. Бу жудодик мени қаттиқ ларзага солди. Айни кўнларда «Отам хотирасига» ашуласи устиди ишляпман. Шеър узимники. Шунингдек, ўзбек халқ мусикий мероси билан яқиндан танишмоқдаман. Албатта, ижодимда Тошкент даври ўз муносиб урнини топади, деб ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, менга раҳнамолик қилган барча устозларимга, қардош ўзбек халқига чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Шерали СОКИН сўхбатлашди

Обуна — 97

БИТМАС-ТУГАНМАС БОЙЛИК!

«Оила ва жамият» газетасини чиқа бошлаган пайтдан буён бутун сипамиз билан мунтазам ўқиб борамиз. Муаммоли, кишини уйлантирадиган, кўюнкашлик билан ёзилган мақолапарни биргалашиб муҳокама қиламиз, баъзан бу муҳокамапар баҳсга, фикрлар тўқнашувига айланиб кетади.

«Ҳамият», «У кимнинг Абдуллоҳи?», «Ҳўснианинг қўлмаган бахти» каби мақолапар фарзандларимизнинг кўзини очадди, уларни турғи йўлга бошлайди, деб уйлайман. Шунингдек, «Меърож адаби», «Балоғат бекати», «Бопалар дунёси» сингари руқналар остида чоп этилаётган мақолапар ҳам ўқилишнинг билан ажралиб туради.

Истагим, бундан кейин таҳририят ҳодимлари одоб-ахлоқ мавзусидаги ёшларни сипавий ҳаётга тайёрлашга кўмаклашувчи

мақолапарни, «Сиз кутган учрашув» деган руқна очиб, юртимизда таниқли бўлган санъаткорлар, ижодкорлар, спортчилар ва бошқа соҳаларнинг билимдонлари билан сўхбатлар бериб борсалар. Яна бир гап: негандир газетанда танқидий мавзудаги мақолапар чоп этилмайди. Ахир бопаларга нафақалар тайинлаш ва бериб бориш, шифохоналарнинг, хўсусан, бопалар шифохоналарининг аҳволи ва у ерда беморларга бўлган муносабат, бопалар боғчаларига эътибор борасида камчиликлар оз эмас. Айниқса, қишлоқ жойларида. Президентимиз олиб бораётган сипсатга ва мустақиллигимизни мустаҳкамлашга соя солувчи камчилик ва нуқсонларни дадил, рўй-рост кўрсатиб бериш, фўш этиш керак.

Мана ҳозир 1997 йил учун газета ва журналларга обуна авж паллага кирган. Ҳар доимгидек бу йил ҳам биринчи навбатда «Оила ва жамият»га обуна бўлдим. Сарфлаган пулним битмас-туганмас бойлик — маънавий озиқ бўлиб қайтишига ишончим қўмил.

Исмоил ҚўЗИБОВЕВ,

САМПИ 1-клиникаси бош врачининг хўжалик ишлари бўйича муовини



Таҳририят почтасидан

ҚОРА АЁЛ

«Мен авваллари ҳар хил ирим-сиримларга унчалик ишонмасдим, — деб ёзибди жиззахлик Аддолатхон исмли жувон. — Лекин ҳаёт, тақдири азал ишонишга мажбур этди...»

Хўжайиним билан институтда бирга ўқиганмиз. Севишиб, синашиб турмуш қўрган эдик. Уч йилча жуда яхши, айтиш мумкинки, бахтли яшадик. Айниқса, ўғлимиз тутилгандан кейин гўё оламда биздан-да бахтли одам йўқ эди. Афсуски, ўғларларнинг ширин турмушини кўролмайдиганлар, уни бузиб роҳатланадиган пасткаш кимсалар ҳам бор экан. Ўтган йилги ёз кўнларининг бирида, хўжайиним ишда, қайнона-қайнотам тўйга кетишган эди, чевар қўшнимизниқига қўйлақ тиктиришга мато олиб чиқдим. Унга тезроқ тикиб беришини тайинлаб, нари борса ярим соат ичида уйга қайтдим. Ховли дарвозаси олдида уйнаб ўтирган болаларнинг қаттаси — қўшнимизнинг ўғли Собир: «Уйларингизга бир аёл келиб кетди», — деди.

— Қандай аёл? — ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

— Танимадим, қўшлогимиздан эмас, қўп-қора аёл эди, — жавоб қилди Собир.

Сўнг бироз туриб қўшиб қўйди. — Иккита чойнак олиб чиқиб кетди.

«Ўғри бўлса-я», — деган уй билан шоша-пиша уйга кирдим.

Қарасам... Жавондаги қийимларим, рўмолларим хонанинг ичида сочилиб ётар, ҳаммаси қайчиланган эди. Диванининг устига эса соч толалари, тирноқлар сочиб ташланганди. Чойнак-пиёлалар, чинни лаганлар уртада синиб ётарди.

Бу илму амал бўлиши мумкинчилигига ҳеч биримиз — хўжайиним ҳам, зиёлинома инсонлар бўлган қайнонам-қайнотам ҳам эътибор беришмади. Фақат қайнонам билан хўжайиним: «Қўшнимизниқига чиқиб гап сотгунча, уйда ўтирсангиз бўлмайди?» деб уришиб бердилар, холос. Шу билан ҳаммаси гўё унут бўлди. Лекин кўп ўтмай хўжайиним билан муносабатларимиз совуқлаша бошлади. Сабабини узим билмаган ҳолда у кишининг, қайнона-қайнотамнинг салгина қойишларига жигибийроним чиқиб, бақириб берадиган одат чиқардим.

Хўжайиним бадамнига қўл теккизса, ҳаммаёғимдан совуқ тер чиқиб, қалтироқ тутиб қоларди. Шундай қилиб, ширингина давом этаётган турмушимиз дарз кетди. 25 ёшимда ўғлимни тирик етим қилиб ота-онаниқига қайтиб келиб ўтирибман.

Жувоннинг мактубини ўқиб туриб уйлаб қолдим: одамзотнинг феъли қизиқ. Ҳеч уйланмай, киприк қўқмай, ҳатто пинагини бузмай бошқаларга ёмонлик қилишдан тоймайди. Ҳатто қилган ёвузлигининг «мевасини» қўриб роҳатланади. Уша қора аёл ҳам кимларнингдир «илтимосини» ерда қолдирмаслик» унун мутлақо танимаган оиласига совуқлик солди. Шайтоннинг илму-амалини қўлаб, уларни бир-бирдан ажратиб, бир нарасида гўдақнинг тирик етим бўлишига сабабчи бўлди.

Дармон ИБРОХИМОВ

— Вой дод, шу эримнинг дастидан, мен ҳам яхши кун кўраманими?! Ун йилдан буён шу ифлоснинг таънаю дашномларига чидаб келаялман. Улар бўлсам ўлиб бўлдим. Менинг ҳам дардимни, оху ноламини тинглайдиган одам борми дунёда?!

Кўзининг бир чеккаси сал кўкарган бу жувоннинг дийдиёси кўпчиликланинг диққатини тортди. «Нима гап, опахон, тинчлими», дея унга пешвоз чиққан навбатчиға, салом-аликни ҳам насия қилдию, томдан тараша тушгандай менға каттангичи кўрсат, унинг олдига олиб бор деб туриб олди. — Кечирасиз, опахон, аввал нима гапчилигини тушунтиринг, шунга қараб кимнинг олдига киришингизни айтсамиз,— деди навбатчи, унинг раёини қайтаргандай бўлиб.

— Йўқ, бу масалани бошқаси ҳал қилмайди. Анаву хезалак (у эрига ишора қилаётганди) яна битта манжалеани бошлаб келибди. Искирт уйнашини бошлаб келгани етмагандай, сен йўқол деб, роса дўппослади, дея кўзининг кўкарган жойини кўрсатди. Дўстлик тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция майори Ислоҳ Ҳазратов, «синглим ўзингизни босинг, сал мундайроқ тушунтиринг», деганди, бўлмади. Жувон яна бир сидра бетовфик эрини қарғаб хуморидан чиқиб олди. Аммо, ўз жуфти ҳалоллини бемаза сўзлар билан ҳақоратлаётганини тугатавермагач, майор ҳижолат чекди. «Синглим, узр, бирпасдан кейин бафуржа гаплашасан бўладими, ҳозир олдимида...» дея бизга юзлангандай, «Хо-о» деди, жувон яна безланбди.

— Меҳмон бўлса, нима қилибди, мени уриб ўлдириб қўйсаям, ҳеч и-и-ндамай, тилимни тишлаб юраверайинми,— деди у норози оҳангда.

Бу гапларни эшитиб, Сизлар бемалол, дедигу ўзимиз хонадан чиқиб турдик.

Дарҳақиқат, кейин билсак, Дўстлик тумани ички ишлар бўлимига оилавий жанжаллар, қўшниллар ўртасидаги тортишувлар ва бошқа сабаблар боис, етказилган энгил тан жароҳатларидан арз қилиб йил бошидан буён 70 дан зиёд киши мурожаат қилибди.

Уларнинг сабаблари турлича, биров зўравон эридан калтак еб келган бўлса, яна бири қўшнисининг бадфёъллигидан ўртада чиққан низо туфайли, боши ёрилганини айтиб келган, яна бир касалхонага тушган жабрдийда эса, ўз тушунтириш жатини: улфатим билан ичиб ўтиргандик, деган индаллодан бошлаган. Хуллас, 70 дан зиёд кишининг энгил тан жароҳати олиб, ўзларини урганларга чора кўриш учун милицияга мурожаат қилган рост. Бу ҳолат эса туман ички ишлар бўлими раҳбариятини ҳам таъшишга солиб, ўйга толдириб қўйган. Нера

десангиз, Ислоҳ ака Ҳазратовнинг куюниб изохлашича, қўни-қўшниларнинг, эру хотинларнинг ўзаро жанжали туфайли бир-бири билан мурося мадора қилломай қолганликларини тўппа-тўғри милицияга айтиб келиши ноўрин.

— Ахир, бу майда жанжаллар, ўзаро келишмовчиликларнинг чорасини қишлоқнинг, маҳалланинг ўзида ҳал қилса бўлади. Афсуски, баъзи маҳалла кўмиталари ўз ҳудудларида яхши ишлашмайди.

Улар бизни кечирсину, аммо ҳақиқатан ҳам аҳвол шундан далолат бермоқда. Негаки, улар маҳалладаги аҳволдан доимо бохабар. Кимнинг қандайлигини, қай бир кишининг оиласи нотинч эканлигини яхши биладилар. Ваҳоланки, қўни-қўшни-

ЭРИМ УРДИ, ДЕЙИШДАН ОЛДИН...

лар орасидаги жанжал ҳам бир кунда осмондан тушгандай пайдо бўлиб қолмайди-ку. Улар ўртасидаги низо аста-секин кескинлашиб, кейин бир баҳона туфайли жанжал, ур-сур содир бўлади. Шунгача маҳалла оқсоқоллари беҳабар қолади, дейсизми?!

Устига устак ички ишлар ходимлари фалончи қандай деб, сўраб борганидан кейин ҳам айрим маҳалла фаолларининг гирт безори киши ҳақида лом-мим демани, кишини янада таажублантиради.

Хўш, унда бунинг чораси қандай бўлади? Ахир фалончи мени урди деб, қўзи

қўжариб, боши ёрилиб келувчи кишиларнинг оёғи тимсам...

Ҳозирча уларнинг барчасига қонуний чоралар кўрилаяпти. Аммо, жазо бериш, жарима солиш билан уларни қамайтириб бўлармикан?!

— Оиладagi камчиликлар, етишмовчиликми ёки бошқа бирон бир сабаб туфайли эру хотин орасида жанжал чиқди дейлик. Калтак еган аёл тўппа-тўғри милицияга чапиб келади. Арз қилиб келган кишининг мурожаати эса журналга қайд этилади. Қайд этилгандан кейин эса жабрдийданинг арзиға кўра унга жабр-зулм

қилган, тўғрироғи, тан жарсхати етказган эрига, амакисига, қўшнисига — ким бўлмасин қонуний чора — жазо берилиши шарт. Мабодо, оиладagi рўзгор етишмовчилиғи туфайли уйда жанжал содир бўлган бўлсаю суд унга «хотинингни урганин учун фалон сўм жарима тўлайсан» деб турса. Ахир, бу ўлганнинг устига тепгандай гап. Аянчлироғи, ўша эр ярашиб кетгандан кейин ҳам ўз жуфти ҳалоллига аввалгидек муносабатда бўлади, деб айтиш қийин. Ахир, у хотинини ургани учун жарима тўлади, қолаверса, ортиқча югур-югур бўлди.

Худди, шунингдек, арзимас жанжал туфайли қўшнисининг бошини ёриб қўйган киши ҳам жарима билан қутулган бўлишига қарамай, ундан аламзада. Калтак еган жабрдийдаку, балки уни милицияга бериб боладим деганча, кўнгли тинчиб юрган бўлиши мумкин, бироқ...

Хуллас, туманда қайд этилган бу энгил тан жароҳатларининг жароҳати энгил бўлиши мумкину, аммо оқибати оғир. Шу боис, уларнинг ечими тўғрисида бош қотирар экан туман ИИБ раҳбарияти жиноятчиларга қилмишига яраша жазо беришни эмас, балки ўша жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймасликка кўпроқ эътибор қаратишмоқда.

Шу мақсадда, яъни оилавий жанжаллар ва қўни-қўшниллар ўртасидаги низо-ларнинг олдини олиш учун, аввало, маҳалла кўмиталари билан алоқалар янада мустаҳкамланмоқда. Ахир уруш-жанжалда голиблар бўлмайди. Боплаб таъзирини бердим-а, деган эр ҳам, эри устидан милицияга шикоят қилиб келган аёл ҳам, аввало, ўзига жабр қилади. Шундай эмасми?

Шухрат РЎЗИЕВ,

ИИБ Матбуот маркази ходими



ХАЛҚ БИЛАН ХАМНАФАС

Мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, осовишталикни муҳофаза этишда ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳиссаси беқиёсдир. Бухоро вилоят, Пешку тумани ички ишлар ходимларини ҳам бу борада муштарак мақсадлар бирлаштириб турибди. Шу боис туманда кун сайин жиноят ва унга сабаб бўладиган иллатларнинг пайи қирқилмоқда. «Халқ билан ҳамнафас, баҳамжихат иш олиб боришимиз баробарида ижобий натижаларга эришялмиз» дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори Каюм Ҳамроев.

СУРАТДА: Пешку туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори Каюм Ҳамроев (чапда) ва туман солиқ инспекцияси бошлиғи Фазлиддин Облоев иш хусусида ўзаро фикр алмашишмоқда.

Рашид АСЛОНОВ

Дераза

БЎҒМАДАН КЎРКМАЙДИ

Қуйи Новгород вилоятидаги Серов шаҳрида яшовчи В. Елесин Россия Олий Суди ва Бош Прокуратурасининг аравашувидан сўнг ўзининг бўғма касалига қарши эмлатишдан бош тортишга ҳақли эканлигини исботлади. Ҳамма машмаша ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун ДАНАга поликлиникадан маълумотнома элтиш керак бўлганда бошланди. Поликлиникада унга маълумотнома олиш учун аввал ўзини эмлатиши шартлигини айтишди. Елесин ҳам эринмаган банд экан, эмлатмасликка ҳаққи борлигини исботлаш учун судма-суд чопди. «Мен уколдан кўркмайман, — дейди у. — Фақат қонларимизнинг қай даражада ишлашини билмоқчи эдим, холос».

УЙҚУНИНГ ЗАРАРИ ХАҚИДА

Боқулик Инкилоб Каримов ярим кечагача футбол кўриб ўтириб, мудраб қолди. Бир пайт уйғониб қараса, телевизор йўқ. Дераза туйнуги очиқ қолганидан фойдаланган ўри нафақат телевизорнинг, балки қўлидаги масофадан бошқариш пултини ҳам олиб кетибди-ю, шоввоз донг қотиб ухлайверибди.

«МУКОФОТ»

Машхур моделер Оскар де ла Рента АКШнинг Даллас шаҳрида кузги-кишки кийимлар коллекциясини намойиш этди ва мўйнали ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамиятидан муносиб «мукофот» олди. Кийимларни тикишда мўйналардан фойдалангани учун жамият фаоллари уни шундоққина кўргазмалар залида торт билан «бомбардимон» қилишди. Албатта, бу тортининг «мазаси» Оскарга ёкмади, лекин иложи қанча, юз-кўзи, кийим-боши шираторга қорилган қўйи залдан чиқиб кетди.

АТИРДАН САМОЛЁТГАЧА

Мисрдаги асосан косметика ва парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорида сотиш билан шуғулланувчи «Като ароматик» фирмаси президенти Иброҳим Камол Россияда юк самолётлари тайёрловчи қўшма корхона очиб ниятлади. Самолётларга хорижнинг тежамли двигателлари ўрнатилади. Иброҳим Камол бу заводни барпо этиш учун 100 миллион доллар инвестиция қиритишга тайёрлигини изҳор этди.

ЭПЧИЛЛИК ҚИЛМАГАНДА...

Белгиялик бир йигитча дўсти билан йўлбарснинг бошини сийпалашга баҳс бойлашди. Улар ярим кечаси Брюссел циркининг ҳайвонлар сақланадиган бўлмасига яширинча кириб боришди ва йигит мудраб ётган йўлбарснинг бошини сийпалади. У шундай қилиб гаровда ютди, лекин сал бўлмаганда йирткичининг ошқозонига тушиши тайин эди. Яхшиям эпчиллик қилди, шунда унча бармоғидан ажралди.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ФАРЗАНДСИЗ АЁЛ

Толеингдан майлига қувон,
Ўзгани ҳам англамагин хор.
Бу гўшада гўзал бир жувон
Яшар фарзанд тирноғига зор.

Хаёлан у онадир, ўглин —
Кўлларида оҳиста ушлаб,
Гўё авраб, сўнг тўппа-тўғри
Кўкка элтган сеҳрли кучлар.

Ухлар бўлса инграниб, толиб,
Қизик-қизик тушлар кўрар у.
Гўдагини елкага олиб
Учиб юрган қушлар кўрар у.

Бола оппоқ булутлар узра
Қаттиқ ухлаб қолгани чоғда.
Ҳидлаб, пушти куймаган
хурлар
Уни бир-бир босар кучоқча.

Жувон умид қилади доим:
Соғинчлардан бағри бўлиб хун,
Ўгли эслаб туғилган жойин,
Уни излаб келади бир кун.

Дийдор дамин кутар бетоқат,
Губор йўқ бу нашъу-намода.
Ҳамманики ердадир, фақат
Елғиз унинг ўғли — самода...

Туроб ЮСУФ,
Жиззах вилояти,
Пахтакор тумани, ички ишлар
бўлимининг масъул ходими, милиция
майори

Мутахассис маслаҳати

АЛИМЕНТ — ЖАЗО

Мактуб: Икки фарзандим бор: каттаси — 7, кучиги — 4 ёш. Турмуш ўртоғим билан ажрашганимга 2 йил бўлди. Болаларим учун арзимаган нафақа оламан. Эшитишимча, болаларимнинг отаси яхши пул топаётган экан. Лекин минг афсуски, у ўз фарзандларига тузукроқ ёрдам берай демайди.

Ҳурматли редакция! Ўзбекистон Республикаси қонунларида ана шу ўз бурчи, вазифасини унутган оталарга нисбатан қўлланиладиган қонун борми?

Саида ВАЛИЕВА,
Тошкент вилояти

Сунгги пайтларда таҳририятга юқорида баён этилган мазмунда кўплаб мактублар келмоқда. Ана шу боис Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ судининг катта суд ижрочиси Рафиқов Ҳикматулла Ҳамидуллаевичга бир неча саволлар билан мурожаат эди.

— Ҳурматли Ҳикматулла Рафиқов. Алимент дегани нима, у қандай ундирилади, шу ҳусусда кенгроқ тўхталиб ўтсангиз?

Алимент бу аввало ўз бурч-вазифасини унутиб қўйган ота-она учун жазо. Алимент ундириш учун судга мурожаат қилган даъвогар, маълумки, аввало ариза билан келади. Ариза ўн кун муҳлат ичида қўриб чиқилади. Жавобгар, нафақа бериши керак бўлган болалар отасининг иш жойи аниқланади. Иш жойи орқали алимент ундириб берилади. Борди-ю, жавобгар ҳеч қаерда ишламаса, 20 кун ичида ишга жойлашмиш шарт қўйилади. Ҳақда бу ҳақда тушунтириш хати ёздириб олинади.

— Жавобгар ўз болаларига алимент тўлашдан буйин товласачи?

— Борди-ю жавобгар буйин товласа,

энг катта ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориде жарима солинади. Ёки 6 ойгача қамоқ муддати билан жазоланади. Унда ҳам бўлмаса, уч йилгача ахлоқ тузатиш колониясига жўнатилади.

— Тўғри, ҳозир кўпчилик турли йўллар билан даромад қилаётти-ю, лекин ҳужжатларда буни аниқ курсатмайди. Ана шу боис унинг фарзандлари жабр қўришапти. Бундай ҳолатларда биз солиқ инспекциясига мурожаат қиламиз. Улар бизга жавобгарнинг неча пул даромад қилаётганини билиб беришади. Ана шу даромаддан келиб чиқиб қўшимча алимент белгилаймиз.

— Борди-ю жавобгарнинг алимент тўлаш учун қурби етмасачи?

Бундай ҳолларда ижро унинг мол-мулкига қаратилади. Алимент унинг мол-мулкидан ундириб олинади.

— Қандай тақлиф-мулоҳазаларингиз бор?

— Бугунги кунга келиб мустақил республикамызда маҳалла, хотин-қизлар кўмиталарига катта ҳуқуқлар берилди. Истардимки, улар ҳам ҳуқуқ-тартибот органларига яқиндан ёрдам беришар. Хотин-қизлар кўмиталари баъзи бир енгилтақ аёлларга ўз таъсирини ўтказса, уларни инсофга қачирса яхши бўларди. Маҳалла оқсоқоллари оталик бурчинини унутган эркакларга ўз таъсирини ўтказса, қўйди-чиқдиларнинг олдини олса, бизнинг ишимиз ҳам бироз енгиллашарди, алиментчилар сони камаярди.

— Сўхбатингиз учун ташаккур.

Сўхбатдош: Захро АЗИЗОВА

Озиқ-овқат маҳсулотлари — картошка, сабзи, пивё ва бошқа сабзавотларни қишда сақлашнинг узиға хос хусусиятлари бор. Албатта, бу маҳсулотлар салқин, шамоллатиб туриладиган жойларда сақланса, ўз таъминини йўқотмайди, сифати бузилмайди.

Сабзавотларни кумиб сақлаш энг қадимий усуллардан бири ҳисобланиб, картошка, сабзи, турп каби маҳсулотлар махсус ураларга кумилганда яхши сақланади.

Маҳсулотларнинг оз-кўплигига қараб уранинг чуқурлигини 2 метр, эини 1 метргача қилиб қазилади. Уранинг таги ва деворлари 2—3 кун шамоллатиб қуритилади. Сунгра унинг таги, атрофларига тол барглари тўшалади. Сақланадиган маҳсулот солингач, сабзавотларга тегмайдиган қилиб тахта қўйилиб, уранинг бир чеккасидан жипс ёпилиб очиладиган дарча қилинади. Шу усулда сақланадиган сабзавотлар ҳеч қачон бузилмайди.

Олма, анор, беҳи, узум каби меваларни ҳам кумиб қўйсангиз яхши сақланади. Бунинг учун кумни элаб офтобда ёки духовкада яхшилаб қуритасиз ва тафтини чиқариб, яшиқнинг тагига 5—6 см. қалинликда соласиз. Меваларни бир-бирига



тегмайдиган қилиб яшикка терасиз. Устидан яна 5—6 см. қалинликда қум соласиз ва яна мева терасиз. Яшиқ тўлган, устига 10 см. қалинликда текислаб қум солиб, нам тегмайдиган жойга қўйилади.

Бундан ташқари, иккинчи бир усул — меваларни осиб сақлаш. Осиб сақлаш учун олма, анор, беҳи, узум, нок каби меваларнинг кечпишар навларидан териб олинади. Мевалар чиримаган, қурт емаган ва безаха бўлиши керак. Меваларни саралаб, бандига ип боғлайсиз ва асталик билан ҳар бирини алоҳида, бир-бирига тегмайдиган қилиб, қозикларга осиб қўясиз. Мева сақланадиган хонанинг ҳарорати 10—12 дан паст ёки ортиқ бўлмаслиги лозим. Уйни вақти-вақти билан шамоллатиш ва осилган меваларга қурт-қумурсқа тегмаслигини таъминлашингиз зарур.

Осиб сақланадиган сабзавотлар ичида энг яхши сақланадигани пивёздор. Яхши этилиб пишган пивёзнинг 30—40 бошини бир қилиб боғлайсиз ва офтобли жойга бир неча кун осиб қўясиз. Пивёз қуригач, уни салқин жойга қўлиб осасиз. Осилган пивёз совуқ жойда яхши тураверади. Агар пивёз музлаб қолган бўлса қўл уриш, иссиқ жойга қўчириш ярамайди, акс ҳолда пивёзлар ирийди. Музлаган пивёз ўз таъминини йўқотмайди. Агар пивёз осилган жойидан силжитилмаса келаси йил ҳосил давригача яхши сақланади.

Оламда гап кўп

АКУЛАДАН ҲАМ ХАВФЛИ

Тропик минтақадаги шўр сувли денгизларда игна-балиқнинг 60 тури учрайди. Бу балиқ баъзан акуладан ҳам хавфли бўлиши мумкин. Ахир, у соатига 22 километр тезлик билан сузиб, сув юзидан 1,8—2 метр баландликка сакрай олади. Бунда у игнадай ингичка ва ўткир тумшуги билан қайиқдаги балиқчини яралаши ҳеч гап эмас.

ШАҲРИКЛАЙМИЗ!

МАВЛУДАБОНУ!

Сени 7 ноябр — таваллуд топган кунинг билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Ҳамиша қувноқлик, бахт, омад сени тарк этмасин. Аллоҳ ўз паноҳида асрасин, деб умр йўлдошинг ҚОДИР, фарзандларинг УМИДА, НИЛУФАР

Адажоним УҚТАМ!

Сизни улуг айём — милиционерлар кунин билан қўтлайман. Аллоҳдан бизнинг бахтимизга соғлигингизни сурайман.

Катта бўлиб эҳ-ҳе қандай, Куч-қувватга тўламан, Дада, сиз уйлагандай, Милиционер бўламан.

ЎТКИРЖОН

Тошкент шаҳар 11-алоқа бўлимининг ходими, опахонимиз Озодахон ГУЛМАТОВА!

Ҳаётингизни, қаноатли ва мафтуна мушоҳадангизни тулин ойга қиёслагимиз келади.

Сиз боис, орзумиз гунчаси гулдор, Юзга кириб юринг, тилаклар шулдор. Ниҳоллари дуркун бир богсиз чунон? Ҳеч қачон ушбу бог бўлмасин ҳазон

Сизга ҳурмат ила: ОЙДИН, АЗИЗБЕК, НИГОРАХОН, ОДИНА, МУХТОРБЕК.

Азизим ДИЛДОРА!

13 ноябр — таваллуд кунингиз муборак. Сизга чинор каби узоқ умр, тансиҳатлик, сермазмун ҳаёт тилайман. Ҳаётингиз Ҳамиша ширин бўлсин, деб Омон ЗУЛФИҚОРОВ

Меҳрибон дадажонимиз Солиҳ АЮПОВ!



Сизни таваллуд топган кунингизга 70 йил, мухтарама онажонимиз Меҳринисо АЮПОВА билан турмуш қўрганларингизга 50 йил тўлиши муносабати билан табриклаймиз. Сизларга узоқ умр, соғлиқ, бардамлик тилаймиз.

Эхтиром билан кизларингиз: ХУРИЯТ, МАВЛУДА, ШОҲИДА, ўғлингиз СОБИРЖОН, келинингиз БАРНОХОН

Ҳамкасбларимиз Раҳматилла БЕРДИЕВ ва Дилбархон САПАРОВА!

Сизларни таваллуд айёмингиз билан самимий қўтлаймиз. Ижодларингизга баҳорий бир илҳом зеб бериб, доимо эл назарида бўлинг! Ҳурмат ва эхтиром билан

«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти жамоаси

Ҳурматли Дилбар Абдукаримовна ТОШПҮЛОВА!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз ҳамда сийҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Яққасарой туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи вазифасида халққа ҳозиржавоб хизмат қилишингиз ва турмуш ўртоғингиз Абдумалик ака билан икки ўғил ва икки қизингизни тарбиялаб вояга етказишингизда Сизга муваффақият тилаб қоламиз.


Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари



фариштадай бўлиб, юришингизни тилаймиз. Кизларингиз ШАҲОДАТ, САОДАТ АҲМЕДОВАлар.

Ҳурматли Вера Павловна БОНДАРЕНКО! Сизни табаррук 50 ёшингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз.

Дўстларингиз: Ева БОРИСОВНА, ТИЛОВАТ, ИБОДАТ.



АБДУКАҲҲОР!

Таваллуд кунинг муборак бўлсин. Сенга соғлиқ, оилавий бахт тилаймиз, фарзандларинг камолини қўргин.

Синфдош дўстларинг, Хонобод

ХУСУСИЙ ЭЪЛОН

«Саратов» музлатгичи сотилади. Кеч соат 18.00дан сўнг кўнғироқ қилинг. Телефон: 58-24-33. Юсуф.

Жамият янгилаштириш томон юз буриб, янги адолатли тузум барпо қилинаётган бир пайтда энг мақбул, энг таъсирчан сузларни матбуот айтиши табиий бир ҳол.

«Мулоқот» журнали мамлакатимизда шундай жараён юз бераётган даврда муштарийлар билан чинакам мулоқот бошлади.

Мана олти йилдирки, «Мулоқот» журнали мустақиллик минбари, миллий қадриятлар кузгуси сифатида сизлар билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамфикр бўлиб ҳаётимизнинг деярли барча қирраларини ўзида акс эттириб келмоқда.

«Мулоқот» журналининг 1996 йилги сонларида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг Республикаимизни кучли, фаровон давлатга айлантиришга қаратилган асарлари, нутқ ва маърузалари таниқли олим ва адиблар томонидан мунтазам ва кенг таҳлил этилди.

Журналнинг «Муҳаррир мулоҳазалари» руҳи остида берилаётган материалларида халқнинг тили ва дилидаги мавзулар қаламга олинапти. Мунтазам бериб борилаётган бош мақола журнал муқаддимаси, берилаётган материаллар мазмунининг дебочасидир.

«Мулоқот» 1997 йилда ҳам ўз анъанасига содиқ қолади. Унинг саҳифаларида ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихи, миллий урф-одатлари, бебаҳо қадриятлари, маданиятимизнинг улуг донишмандлари, Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари, ислом динининг

атоқли пешволари, забардаст олим шoirлари хусусида ажойиб мақолалар босилади. Сизни буюк тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифалари билан ошно этади.

Янги йилда асрлар давомида мадрасаларда ўқитиб келинган маърифат чашмаси — «Чор китоб»нинг ўзбекча таржимасини ўқиш бахтига муяссар бўласиз.

«Маънавият пирлари», «Тасаввуф тариқатлари», «Истиқлол фидойилари», «Муқаддас шахрлар» руҳларида буюк алломалар ҳаёти ва аъмоли ҳамда башариятнинг табаррук шахрлари билан боглиқ тарихий воқеалар билан танишасиз. Журнал зарварақларидан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино,

Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Хожа Ахрор Валий, Камолiddин Беҳзод сингари буюк алломаларнинг суратлари берилади.

1997 йилда журналга обуна бўлсангиз, дунёдаги энг муқаддас китоблар — «Таврот шариф», «Бобур», «Инжил», «Қуръони мажид» ҳақида ҳам ҳаққоний маълумотларга эга бўласиз. Шунингдек, «Маънавият булоқлари», «Озодлик ва ободлик», «Истиқлол кишиси», «Жамият ва шахс» каби унлаб янги руҳлар ҳам Сизларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамыз.

Азиз муштарий! «Мулоқот»га ёзилгангиз, ўзингизга яна бир чин ҳақиқий дуст орттирган бўласиз.

«МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛИ ТАХРИРИЯТИ

«МУЛОҚОТ» — МУСТАҚИЛЛИК МИНБАРИ

Обуна — 97

**Сўнги
устун**

АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ

Энг сўнги маълумотларга қараганда, Ер юзидида бир йилда тахминан 50 миллион дона автомобиль ишлаб чиқарилар экан.

Росмана автомобиль дейишга арзигулик дастлабки машина 1769 йилда парижлик Николас Жозеф Куня томонидан яратилган. У соатига 3,6 километр йўл боса олар эди.

Йўловчи ташишга мўлжалланган автомобилларнинг биринчиси эса Буюк Британиянинг Камборна шаҳрида XIX аср бошида одамларнинг узогини яқин қила бошлайди. Ричард Тревитик яратган бу машина бир йўла саккиз кишини манзилига элтиб қўйиши мумкин эди.

Ричард Ноубл исмли доворак жаноб 1983 йили Невада штатидаги ялангликда реактив двигателли «Траст-2» русумли автомобилда тезликни соатига 1019,467 километрге чиқаришга муваффақ бўлди.

Бошқалардан автомобили ажралиб туришини ва бойлигини куз-куз қилишни истаган араб бойларидан бири АҚШнинг Калифорния штатидаги автомобил заводида буюртма бериб, узунлиги 33 метр бўлган лимузин ясаттирди. Бирор бир давлатдаги стандартларга мос келмайдиган бу енгил машина эгасига «атиғи» икки миллион долларга тушди.

Дунёдаги энг узун қўшалоқ автобуснинг узунлиги 23,16 метр бўлиб, унга 187 нафар йўловчи ситиши мумкин. АҚШдаги «Уэйн» автомобил корхонаси бундай автобусларни Яқин Шарқ мамлакатлари учун махсус ишлаб чиқаради.

1968 йилда АҚШда мамлакат Президенти учун «Линколн континентал икзекутив» номли машина ясалади. Унинг узунлиги 6,56 метр, вази эса салкам 5,5 тоннага тенг булган ва тўрттала гилдирагига ўқ текканда ҳам соатига 80 километр тезликда юра олган.

Дунёдаги энг енгил автомобилнинг муаллифи лондонлик Луи Борси бўлиб, у яратган машинанинг вази 95 килограмм, соатига 25 километр тезлик билан ҳаракатланишга қодир.

Оламда ган кўп

ҚОТИЛ МАШИНА

Нью-Йорклик 12 ёшли Майкл ўртоқлари билан бейсбол ўйнаётган эди. У бейсбол тўпларини иргитиб берувчи махсус машина ташлаб бераётган тўпларни қайтаришни машқ қилаётганди. Соатига деярли 80 километр тезлик билан келаётган тўплардан бири унинг кўкрагига тегди ва бола спорт майдончасининг ўзида оламдан ўтди.

БАХТ ПУЛДА ЭМАС(МУ)?

1. Ҳалол меҳнатнинг орқасидан бойиб кетиш мумкин, деб ҳисоблайсизми?
+ Ҳа (2); — Йўқ (0); — Айрим ҳоллардагина (1)

2. Газеталардаги иқтисодий мавзудаги мақолаларни мунтазам ўқиб борасизми?
— Ҳа (2); — Йўқ (0); + Баъзида (1)

3. Ўзингизни катта фойда олиш илжинида таваккал қилишга қодир инсон деб ҳисоблайсизми?
— Ҳа (1); — Йўқ (0); + Билмадим (2)

4. «Бахт пулда эмас» лигига ишонасизми?

+ Ҳа (0); — Йўқ (2); — Аниқ айтолмайман (0)

5. Икки Германиянинг бирлашиши банкларнинг омонатчилари учун фойдали бўлди, деб ўйлайсизми?

— Ҳа (1); — Йўқ (2); + Билмадим (2)

6. Сиз қарз беришни ёқтирмайсиз. Лекин сизни уч-тўрт шиша пиво билан сийлаб, қарз ундириш мумкинми?

— Ҳа (0); + Йўқ (2); — Яна уч-тўрт шиша ичсам (1)

7. Пулингиз маошдан маошгача бемалол этадими?

— Ҳа (2); — Йўқ (0); + Камдан кам ҳолда (1)

8. Фақат олди-сотди, савдогарчилик билан одам ўзини моддий жиҳатдан таъминлаши мумкинми?

— Ҳа (0); — Йўқ (2); + Билмадим (1)

9. «Пул одамни бузади», дейишлари тўғрими, шунга қандай қарайсиз?

+ Ҳа (2); — Йўқ (0); — Билмадим (1)

10. «Чой пули» берганда қақа-танга билан кифояланиш тўғрими?

— Ҳа (0); + Йўқ (2); — Билмадим (1)

ТЕСТ

11. Озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилганда нархи билан оғирлигининг мослигига эътибор берасизми?

— Ҳа (2); — Йўқ (0); + Баъзан (1)

12. Ҳаётингизни сугурта қилдирганмисиз?

— Ҳа (0); + Йўқ (2); — Энди сугурта-қилдирмоқчиман (1)

13. Чўнтагингизда майда пулларни тахламай, гижимлаб олиб юрасизми?

— Ҳа (2); — Йўқ (2); — Баъзан (1)

14. Бирор нарсага сармоя сарфламакчи бўлсангиз, хотинингиз (эрингиз) билан маслаҳатлашасизми?

+ Ҳа (0); — Йўқ (2); — Баъзан (1)

0—10 Балл. Катта фойда олиш эҳтимоли бўлса ҳам таваккал қилмайсиз, пулингизни банкда сақлайсиз. Лекин таваккал қилиб, сармоянгни айлантурсангиз, омадингиз келиши тайин.

11—20 Балл. Сармоялар бозориди ўз йўлингизни топиб олгансиз. Аммо вақти-вақти билан таваккалдан қочиб, пулингизнинг бир қисмини банкка қўйсангиз, ёмон бўлмасди. Маслаҳатимиз: пулингизнинг бир қисмини ўзингиз ишонадиган банкда сақланг.

21—28 Балл. Қўйил! Табиат сизга пулни пулга ўриштириб пул қилиш иқтидорини берибди. Лекин эҳтиёт бўлинг, ўзингизга жудаям юқори баҳо бериб юборманг. Ахир ким ҳам хато қилмайди, дейсиз. Яна чув тушиб қолманг.



— Ҳадеб онангни
эмаверасанми...

Муассисларимиз:

Ўзбекистон
Республикаси
Хотин-қизлар
қўмитаси, Болалар
жамғармаси ва
«Соғлом авлод
учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳамийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатилиш
уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

**700083, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.**

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Алижон САҒАРОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0655 21597 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.